Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 49 (334) • 2011 йил 6 декабрь

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

# БОШ ҚОМУСИМИЗ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪЛИМИ

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш муҳим вазифа экани алоҳида таъкидланган.***

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти – ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари таълими» мавзуидаги семинар мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларга бағишланди. Унда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Иштван Венцель ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони, 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу йўналишда муҳим дастурила-мал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, юртимизда ҳуқуқий таълимнинг узлуксиз, изчил ва босқичма-босқич тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини пухта ўрганишга доир машғулотлар мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари дастуридан ўрин олди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида олимлар, ҳуқуқшунослар, маънавият тарғиботчилари иштирокида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказишга қаратилган кўплаб тадбирлар мунтазам ташкил этилаётир.

– Мактабимизда 2 600 нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олади, – дейди Тошкентнинг Чилонзор туманидаги 178-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича ўқитувчиси Гулбека Тангирова. – Таълим-тарбия жараёнида Бош қомусимиз тамойиллари билан бирга миллий қонунчилигимизнинг мазмун-моҳияти, уларнинг халқаро ҳуқуқий меъёрларга уйғунлиги ўқувчиларга чуқур ўргатилмоқда. Ўқувчиларимиз «Конституция – бахтимиз асоси» мавзуидаги республика кўрик-танловида фаол иштирок этмоқда.

Семинарда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари йўналишидаги илмий изланишлар ва уларнинг истиқболлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, юридик йўналишда бўлмаган олий ўқув даргоҳларида ҳуқуқий таълим каби мавзуларда маърузалар тингланди.

***ЎзА.***

Қонунчиликдаги янгиликлар

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

*Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан **www.norma.uz** сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## ТАЪЛИМ + СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

**Президентнинг 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1645-сон қарори** билан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси **2012 йил 1 январдан** бошлаб Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига этиб қайта ташкил этилади. Президентнинг 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1432-сон қарори билан таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштириш бўйича Жамғарманинг олдин белгиланган асосий вазифалари соғлиқни сақлаш муассасалари учун ҳам худди шундай тааллуқли бўлди.

## ТОВАРЛАР НАЗОРАТ УЧУН ХАРИД ҚИЛИНГАНДА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарори** (*«Норма маслаҳатчи»нинг 2011 йил 29 ноябрдаги 48 (333)-сонида чоп этилган*) **билан янгиланган Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг Давлат реестрини (кейинги ўринларда Давлат реестри деб аталади) юритиш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолияти хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифалари рўйхати тасдиқланди.**

Мазкур ҳужжат билан НКМни қўллашга доир аввал амал қилган асосий талаблар сақлаб қолиниб, янги меъёрлар жорий қилинган ҳамда эскирган меъёрлар бекор қилинган. Амалиётда қўлланилаётган бир қанча таомиллар, хусусан, товарларни назорат қилиш мақсадида харид қилиш таомили янада тартибга солинган. Солиқ органларига хўжалик субъектларидан НКМни олиб қўйиш ва уларни экспертизага бериш ҳуқуқи берилган. Хўжалик юритувчи субъектларга солиқ органларининг рухсатисиз НКМни таъмирлашга юбориш ман этилди.

НКМ ёхуд вақтинчалик электр энергияси бўлмаганда ишлатиладиган квитанциялар ДСИда рўйхатдан ўтказилиши керак. Харидордан қайтарилаётган товарни қабул қилаётганда унга пул маблағларининг қайтарилиши батафсил тартибга солинган.

## АПОСТИЛЬ ҚЎЙСАНГИЗ БЎЛГАНИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сон қарори билан Апостиль – расмий ҳужжатлардаги уларнинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлайдиган махсус штамп қўйиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Низом хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (1961 йил 5 октябрда Гаагада қабул қилинган) меъёрларини ижро этишга қаратилган. Ўзбекистон мазкур Конвенцияга жорий йилнинг апрель ойида қўшилганлигини эслатиб ўтамиз. Апостиль қўйиш 2012 йил 15 апрелдан бошлаб амалга оширилади.

NORMA®
www.norma.uz

## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ: ИНСПЕКТОР ДАБДУРУСТДАН КЕЛИШИ МУМКИН

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сон қарори билан ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш белгиланди.** Шу муносабат билан хўжалик юритувчи субъектларда ёнғин чиқариш воситаларининг мавжудлиги ва ишга яроқлилиги ҳамда хоналар ва иншоотлар ёнғин хавфсизлигининг амалдаги меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги инспекторлари режадан ташқари ташриф буюришлари мумкин.

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

УШБУ СОНДА

2-бет — Аудиторлар учун тренинг

3-бет — Экспорт: ўзи ишлаб чиқарган товарни белгилаш мезонига доир

4-5-бетлар — Ходимни иш берувчининг ташаббуси билан бўшатиш қоидалари

6-бет — Ходимларингиз таътиллари жадвалини тузганмисиз?

$1 = 1780,22 сўм €1 = 2390,05 сўм £1 = 2758,81 сўм ¥10 = 229,32 сўм

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС АУДИТ

***Президентнинг «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» қарори** (2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон) **2-иловасининг 54-бандида 2015 йилгача Халқаро аудит стандартлари (ХАС) асосида Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС)ни такомиллаштириш назарда тутилган. Ушбу талабни бажариш масъулияти Молия вазирлиги ва аудиторларнинг республика профессионал жамоат бирлашмалари зиммасига юкланган. ПҚ-1438-сон қарорга 2-илованинг 56-бандида эса назарда тутилишича, жорий йилдаёқ Ўзбекистондаги энг йирик корхоналарнинг мустақил аудити ХАС асосида ўтказилиши керак.***

***Ўзбекистон бухгалтерлар, аудиторлар ва маслаҳатчилар федерацияси (ЎзБАМФ) Президентнинг қарори талабларини бажара бориб, «Халқаро аудит стандартлари» тренингини ташкил қилди. Уни 1 октябрдан 13 ноябргача ЎзБАМФнинг ҳамкори – «SULTANOVA TA'LIM» нодавлат таълим муассасаси ўтказди.***



Тренингда халқаро амалиётда ва республикамизда ХАСни қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилди. Назарий қисмни ХАС бўйича ЎзБАМФнинг сертификатланган тренери Оксана Огневчук (CIPA) олиб борди. Тренинг иштирокчилари илғор аудиторлик амалиёти тўғрисида бевосита «Катта тўртлик» компанияларидан бирининг ходимларидан билиш имкониятига эга бўлдилар – ХАСни амалиётда қўллаш масалаларини «Ernst & Young» халқаро аудиторлик компаниясининг амалиётчи экспертлари ёритдилар. Ҳозир ХАСни фаол ўргана бошлаган амалиётчи аудиторлар яқин келажакда шубҳасиз рақобатда афзалликка эга бўладилар, деб ҳисоблайди ЎзБАМФ бошқаруви раиси Дилноза Султонова (САР).




«SULTANOVA TA'LIM» НТМ ижрочи директори Татьяна Тимохинанинг маълум қилишича, тренинг компанияси ушбу тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича катта иш олиб борди. Унинг фикрича, тадбир муваффақиятли ўтган. Бу тадбир бундай форматда тренинг ўтказишда уларнинг дастлабки тажрибаси бўлиб, улар ушбу йўналишда ишлашни давом эттириб, мамлакатимиз аудиторларига ўз малакаларини ошириш имкониятини беришни режалаштиряптилар.

Тренинг иштирокчилари ҳам унга юқори баҳо бердилар.

***Ўз ахборотимиз.***

Бизнинг маслаҳатлар

## УЛГУРЖИ МИҚЁСЛАРДА ЯККА ТАРТИБДАГИ САВДО

**?**

***Корхонамиз ичимликлар ишлаб чиқариш ва уларни улгуржи ҳамда чакана реализация қилиш билан шуғулланади. Мазкур маҳсулотни биздан улгуржи савдога лицензияси бор юридик шахслар ва бундай лицензияси бўлмаган юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар (шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар) харид қиладилар. Биз ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотни якка тартибдаги тадбиркорларга йирик туркумлар билан, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ва амалдаги қонун ҳужжатларида мазкур масала бўйича бирор-бир чекловлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда нақд пулсиз шаклда ҳақ олиб (шу жумладан банкнинг пластик карточкаларидан фойдаланиб) реализация қила оламизми?***

***Маҳсулотимизни улгуржи харид қиладиган юридик шахслар учун бизда чегирмалар тизими назарда тутилган, у маҳсулотимизни йирик туркумларда харид қилишларини рағбатлантиради. Биз ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотни якка тартибдаги тадбиркорларга йирик туркумлар билан реализация қилишда уларга биздан ичимликларни улгуржи харид қиладиган юридик шахсларга бўлганидек чегирмалар беришимиз мумкинми?***

**Ҳурмат билан корхона раҳбари.**

– Сиз тўғри қайд этганингиздек, амалдаги қонун ҳужжатларида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни якка тартибдаги тадбиркорларга ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли бўйича (шу жумладан банкнинг пластик карталаридан фойдаланган ҳолда) реализация қилишга доир чекловлар мавжуд эмас.

**Чегирмаларни ҳам корхонангизда белгиланган тизимга мувофиқ тақдим этишингиз мумкин. Қонун ҳужжатларида ушбу қисмда чекловлар назарда тутилмаган.**

***Георгий ВАСИЛЬЕВ,***
***экспертимиз.***

## РОЯЛТИ ЎРНИГА БИР МАРТАЛИК ТЎЛОВ

**?**

***Корхона шу йил январида ИТМ билан лицензия битимларини тузди, лицензия ажратмаларини ҳар ойда тўлаш шарти билан 2014 йил 3 январгача муддатга мувофиқлик сертификатлари берилди.***

***Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори 1-банди билан ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотилган сертификатлаштирилган маҳсулот ҳажмидан мувофиқлик белгиларидан фойдаланганлик учун сертификатлаштириш органларига доимий лицензия ажратмаларини тўлаш тўғрисидаги талаблар бекор қилиниб, улар ўрнига бир марталик тўлов жорий этилди.***

***Ушбу қарор чиққани муносабати билан корхона ойлик лицензия ажратмаларини тўлашни тўхтатиши мумкинми?***

**Т.Филина,**
**ОАЖ юридик бўлимининг бошлиғи.**

– **Ҳа, мумкин.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 4-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ фуқаролик қонун ҳужжати амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатлар бўйича **ушбу қонун ҳужжати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва бурчларга нисбатан қўлланилади.** Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори *(2011 йил 28 апрелдаги 122-сон, бундан кейин – Қарор)* қабул қилиниши муносабати билан **ишлаб чиқарувчи корхоналар юқорида кўрсатилган ажратмаларни тўламаслик ҳуқуқига эга бўлдилар, сертификатлаштириш органлари эса бундан кейин ишлаб чиқарувчи корхоналардан уларни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмаслар.**

Бундан ташқари, фикримизча, юқорида кўрсатилган Қарор қабул қилиниши муносабати билан сиз ва сертификатлаштириш органи ўртасида тузилган лицензия битими, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан тарафларнинг лицензия ажратмаларини тўлаш бўйича ҳуқуқ ва бурчлари қисмида қайта кўриб чиқилиши керак.

***Абдураҳмон БАХТИЕВ,***
***«Norma» МЧЖнинг юрисконсульти.***

**УШБУ СОНДА:**

✓ **8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ**
– Бош қомусимиз ва инсон ҳуқуқлари таълими
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1-бет*
✓ **АУДИТ**
– Халқаро стандартларга мос аудит
– Улгуржи миқёсларда якка тартибдаги савдо
– Роялти ўрнига бир марталик тўлов
– Валюталар курси *2-бет*
✓ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
– Бири тўқийди, бошқаси бўяйди
– Нақд тушумни ҳар куни банкка топширинг
– Таваккал қилманг *3-бет*
✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Ўзининг хоҳишисиз ишдан бўшатилганда
– Ички ҳужжатлар билан тартибга солинади
– Атиги ярим йил ўтди
– Ҳомиладор ўриндошни ишдан бўшатиб бўлмайди
– Таътиллар жадвалини тузамиз *4-6-бетлар*
✓ **РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР** *7-8-бетлар*

**МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ**

| *Мамлакат* | *Сана* | *АҚШ доллари* | | *Евро* | | *Россия рубли* | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* |
| Озарбайжон | 2.12.2011 | 1 | 0,7865 | 1 | 1,0585 | 1 | 0,0256 |
| Арманистон | 1.12.2011 | 1 | 381,86 | 1 | 515,55 | 1 | 12,42 |
| Беларусь | 2.12.2011 | 1 | 8580,00 | 1 | 11540,00 | 1 | 278,00 |
| Грузия | 2.12.2011 | 1 | 1,6606 | 1 | 2,2401 | 1 | 5,3831 |
| Қозоғистон | 2.12.2011 | 1 | 147,68 | 1 | 198,56 | 1 | 4,78 |
| Қирғизистон | 2.12.2011 | 1 | 46,6965 | 1 | 61,9873 | 1 | 1,4792 |
| Латвия | 2.12.2011 | 1 | 0,522 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0169 |
| Литва | 2.12.2011 | 1 | 2,5688 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,3185 |
| Молдова | 2.12.2011 | 1 | 11,8543 | 1 | 15,9833 | 1 | 0,3842 |
| Тожикистон | 2.12.2011 | 1 | 4,7583 | 1 | 6,4177 | 1 | 0,1554 |
| Ўзбекистон | 29.11.2011 | 1 | 1780,22 | 1 | 2390,05 | 1 | 56,37 |
| Украина | 2.12.2011 | 100 | 798,99 | 100 | 1077,9973 | 10 | 2,59 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

# БИРИ ТЎҚИЙДИ, БОШҚАСИ БЎЯЙДИ

***Россия хорижий корхонаси (СТИР 300688314) кичик бизнес субъекти ҳисобланади, ип калава ишлаб чиқаради ва уни ташқи ҳамда ички бозорларда реализация қилади. АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларига, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига доир тушунтириш берсангиз.***

***Мавжуд эҳтиёжлар ва харидорлар талабини ҳисобга олган ҳолда экспорт ҳажмини кўпайтириш, фаолиятни кенгайтириш, иш жойлари сонини кўпайтириш, самарали бизнес юритиш мақсадида биз бўялган трикотаж ип газлама ишлаб чиқаришга қарор қилдик. Бунинг учун биз тўқиш ускунаси сотиб олиш ва дағал (бўялмаган) ип калава ишлаб чиқарувчи цехни ишга туширишни режалаштиряпмиз. Ўзбекистоннинг бошқа корхоналарида ип газламани бўяш бўйича бўш қувватлар етарлилиги сабабли бизга бўяш босқичларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас, энг яхшиси қайта ишлашга берилган хом ашё шартларида ишлашдир.***

***Қуйидаги вазиятда ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотни ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотга киритиш далилини қандай тасдиқлаш лозим?***

***1. Корхона ички бозорда пахта толасини валютага харид қилади ва технологик жараённи ҳисобга олган ҳолда, ўзининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб, ип калава ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарилган ип калавадан унинг ўзи бўялмаган трикотаж полотно тайёрлайди, уни қайта ишлашга бериш шартларида бошқа корхона бўяйди. Бундай ҳолда бўялган ип газламани ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга киритиш мумкинми? Мазкур ҳолда кичик корхона қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлаш шартларида олинган маҳсулотни экспорт қилишдан олинган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинадими?***

***2. Қайта ишлашга бериш шартларида бўялган полотно учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот мақоми тасдиқланмаган тақдирда маҳсулот экспортидан олинган валюта тушумини мажбурий сотиш суммаси республика ичида хорижий валютага пахта толасини сотиб олиш харажатлари суммасига камайтириладими?***

**МЧЖ директори.**

– Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларининг *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 5-бандига мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган товар деганда корхона ўзи томонидан ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулот (жумладан ярим тайёр маҳсулот) тушунилади.

Хатингиздан кўринадики, корхона ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб, бўялган трикотаж ип газламасини ишлаб чиқаради. Уни бўяш Божхона кодексининг 30-моддасида келтирилган тушунчада назарда тутилган қайта ишлаш ҳисобланмайди, балки маҳсулот ишлаб чиқариш босқичларидан бири холос. Бинобарин, **бўялган трикотаж полотносини ўзи ишлаб чиқарган товар деб ҳисоблаш керак.** Бунинг маъноси шуки, корхонангизга Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби *(ВМнинг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига[1] 1-илова)* 3-бандининг «е» кичик бандида назарда тутилган, **маҳсулот экспортидан олинган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилиш бўйича имтиёз татбиқ этилади.**

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖнинг эксперт-юристи.***

[1]*«Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида».*

***Бизнинг савдо шохобчамиз бинонинг иккинчи қаватида жойлашган. Йўриқномага кўра инкассаторлар бинонинг ичига кира олмайдилар. Шу сабабли кассиримиз уларни кўчада соатлаб кутишига тўғри келяпти.***

***Тушумимиз катта эмас. Бизникига ўхшаган кичик савдо шохобчалари учун, Президентнинг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон Фармони билан, ЭКИҲнинг 20 баравари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини асосий банк ҳисобрақами очилган банк кассасига мустақил тарзда топшира олишимиз назарда тутилган. Банк биздан узоқда жойлашган. У билан анчадан бери ишлаётганимиз боис, уни ўзгартиришни хоҳламаймиз.***

***Инкассация бошқармасида бизга тушумни ҳафтада 1 марта топширишни таклиф қилишди. Бизнинг савдо шохобчамиз нақд пул тушумини ҳафтада 1 марта инкассация қилиши мумкинми?***

**Хусусий корхона директори.**

# НАҚД ТУШУМНИ ҲАР КУНИ БАНККА ТОПШИРИНГ

– Йўқ, сизнинг савдо шохобчангиз нақд пул тушумини ҳафтада 1 марта инкассация қила олмайди. Президентнинг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони *(1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон)* 3-бандининг бешинчи хатбошисига мувофиқ **барча чакана савдо корхоналари, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шарт.** Ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб баҳоланади ва айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилади.



Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдо тушуми инкассация қилинишини тубдан яхшилаш ва назорат-касса машиналаридан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори *(1997 йил 11 декабрдаги 548-сон)* 1-бандида ҳам назарда тутилишича, **аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар ҳар куни Марказий банкнинг инкассация хизматлари орқали** қуйидагидан ошадиган суммада **нақд пул тушумини топширишлари шарт:**

республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан ошадиган суммани – барча корхона ва ташкилотлар учун (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ташқари);

белгиланган ЭКИҲнинг 20 бараваридан ошадиган суммани – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун.

Қуйида кўрсатилган миқдорлардан кам кундалик нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар уни Марказий банкнинг инкассация хизматлари орқали ёки мустақил равишда банкларнинг кундузги ва кечки кассаларига топшириш ҳуқуқига эгалар.

Шу тариқа, сизга келиб тушаётган нақд пул тушуми ҳафтада бир марта эмас, балки **ҳар куни топширилиши керак.**

***Фаррух ШОДИЕВ,***
***«Norma» МЧЖнинг эксперт-юристи.***

Мавзуга қайтиб:
**«Ўз ҳисобимдан ҳамма учун тўлайман»** («СБХ», 2011 йил 5 сентябрдаги 36 (892)-сон)


Юридик маслаҳатлар
ЎЗ ҲИСОБИМДАН ҲАММА УЧУН ТЎЛАЙМАН

# ТАВАККАЛ ҚИЛМАНГ

***«Ўз ҳисобимдан ҳамма учун тўлайман» мақоласини ўқиб чиқиб, экспертнинг хулосаларидан ҳайрон бўлдим. Айтайлик, менинг пластик карточкамда бир неча миллион сўм бор. Ўзингиз билганингиздек, карточкага барча пул маблағларини банк қайд этади, бинобарин, уларнинг ҳаммаси легал йўл билан олинган. Мен уларни нақд пул билан олишни хоҳлайман, бироқ банк муассасаси пластик карточкалардаги пул маблағларини нақд пулга айлантирмайди. Демак, мен чипта керак бўлган 20 кишини топаман, нақд пулсиз ҳақ тўлаб чипталарни сотиб оламан ва кишилардан нақд пул оламан, бу – қонуний операция. Зеро карточкага барча солиқлар тўланганидан кейин легал пуллар қайд этилган. Сиз эса бу солиқ жиноятлари содир этилган дея гумон қилишга сабабчи бўлади деб ёзгансиз. Марҳамат қилиб жавоб берсангиз: қандай пайтда шубҳа юзага келади? Нима учун, мен нақд пул олиб келиб, унга 20 киши учун чипта харид қилсам, бу, сизнинг мақолангизда ёзилганидек, шубҳа уйғотади?***

**В.Трегулов.**

– Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришни, улардан чакана савдода, коммунал ва бошқа хил хизматларга ҳақ тўлашда фойдаланишни рағбатлантириш ҳамда нақд пулнинг банкдан ташқари оборотини қисқартириш мақсадида Ўзбекистонда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар: Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» *(2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон)* ва унга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида *(2007 йил 17 августдаги 177-сон)* қарорлари, Президентнинг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори *(2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сон)* ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Сиз айтаётган пул маблағларини нақд пулга айлантириш мақсадидаги ҳаракатлар ушбу ҳужжатларга зиддир, чунки банк муассасалари орқали амалга оширилмаяпти. Жисмоний шахсларнинг пул маблағларининг банкдан ташқари обороти бўйича ҳаракатлари қандай оқибатларга олиб келиши тўғрисида аниқ бир гап айтиш қийин, чунки мазкур масалани ҳал этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ваколатига киради.

«Ўз ҳисобимдан ҳамма учун тўлайман» мақоласида карточка эгаси ҳам, унга доир тўловни қабул қиладиган юридик шахс ҳам ҳисобга олиши керак бўлган муайян тўлов операцияларини содир этишнинг эҳтимолий оқибатлари фақат амалдаги қонун ҳужжатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Бироқ ҳар бир транзакция жиноят ишини қўзғатишга олиб келиши шарт эмас.

***«Norma» МЧЖнинг эксперт хизмати.***

# ЎЗИНИНГ ХОҲИШИСИЗ ИШДАН

***Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ходим ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига айниқса муҳтож. Экспертимиз бугунги мақолада нафақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларни кўриб чиқади, балки ходимлар сонининг (штатнинг) ўзгариши ёки корхона тугатилиши туфайли бўшатилаётган ходимлар учун айниқса муҳим бўлган тушунтиришларни ҳам бериб ўтади.***




## ХОДИМЛАР БЎШАШИНИНГ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

**• Иш берувчининг ташаббуси билан ходимлар билан меҳнат муносабатлари қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:**

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати)нинг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги сабабли;

иш хусусиятининг ўзгариши сабабли;

корхона тугатилганда.

Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади. Юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади *(Фуқаролик кодексининг 53, 55-моддалари).*

**• Ходимлар сони ёки штатининг қисқариши муносабати билан ходимлар билан меҳнат шартномаларини тугатиш қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина қонунийдир:**

ходимлар сони ёки штати ҳақиқатда қисқартирилаётган бўлса. Бу нарса ходимлар сони ёки штатини қисқартириш ҳақидаги буйруқ ва ташкилот ходимлари сони ёки штатни қисқартириш юзасидан чора-тадбирлар бошланишидан олдин тасдиқланиши керак бўлган янги штат жадвали билан тасдиқланиши шарт;

ходим ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаса *(врезкага қаранг – Меҳнат кодексининг 103-моддаси, бундан кейин – МК).*

Мазкур ҳолда иш берувчи томонидан ишдан озод этилаётганлар олдидаги мажбуриятлар бажарилишининг кафолати сифатида камида 2 ой олдин касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ташкилотда ўтказилаётган штатнинг қисқартирилиши ҳақидаги ахборотнинг тақдим этилиши ҳамда ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатлар бериш ҳисобланади. Иш берувчи, шунингдек 2 ойдан кечиктирмасдан Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказига (меҳнат биржасига) ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни ҳам маълум қилиши шарт *(МК 102-моддасининг еттинчи қисми).*

Юқорида келтирилган талабларни бажармаган тақдирда мазкур ҳаракатлар ***(ҳаракатсизлик)*** меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб баҳоланади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилганидек, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима қўллаш кўринишида жавобгарликка сабаб бўлади.

МК 102-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ ташкилотнинг тугатилиши, ходимлар сони ёки штатининг қисқартирилиши муносабати билан бўлғуси озод этиш ҳақида иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинишидан камида 2 ой олдин ҳар бир ходимни шахсан имзо чектириб огоҳлантириши шарт. Бундай огоҳлантириш одатда бўлғуси озод этиш ҳақидаги хабарнома ёки билдирувнома кўринишида расмийлаштирилиб, ишдан озод этилаётган ходим унга имзо чекиши керак. Агар у имзо чекишни рад этса, тегишли далолатнома тузилади ёҳуд хабарномада (билдирувномада) ходим имзо чекишдан бош тортганлиги ҳақидаги белги қўйилади.

Огоҳлантириш муддати давомида, ишдан бўшатилаётган ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун **шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда** ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади. Ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди, меҳнатга оид муносабатларнинг корхона тугатилганлиги натижасида бекор қилиниши бундан мустасно *(МК 102-моддасининг олтинчи қисми).*

Корхона тугатилиши, ходимлар сони ёки штатининг қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномасини 2 ойлик муддат тугашидан олдин бекор қилишга йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномасини 2 ой олдин тугатишга ходимнинг ёзма розилиги бундан мустасно. Бироқ мазкур ҳолда унга меҳнат муносабатларини тўхтатиб, огоҳлантириш муддатига мувофиқ келувчи пуллик компенсация ҳамда ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси олиш имконияти берилади *(МК 102-моддасининг иккинчи қисми, 109-моддаси).*

***МИСОЛ.*** *Огоҳлантиришдан бир ой ўтгандан кейин ходимнинг ёзма розилиги билан у билан меҳнат муносабатлари тугатилмоқда. Меҳнат шартномаси тугатилаётганда унга 1 ой учун компенсация (2 ойлик огоҳлантириш муддати тугагунча қолган вақт учун) ва ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши керак.*

**• Ходим ишдан озод этилаётганда:**

иш берувчи унга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт (хўжалик юритувчи субъект тўлиқ тугатилган ҳоллар бундан мустасно). Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин ҳамда озод этилаётган шахс хоҳишига кўра Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) маркази (меҳнат биржаси)га мурожаат қилиши ёҳуд мустақил равишда ишга жойлашиши мумкин *(МКнинг 92-моддаси);*

ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малака ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда МКнинг 103-моддасида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади, корхона тўлиқ тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

**• Меҳнат шартномасини қуйидаги ҳолларда бекор қилишга йўл қўйилмайди:**

ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида, корхона бутун-

**Ҳужжат тили билан**

*Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.*

*Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:*

*1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;*

*2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;*

*3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;*

*4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;*

*5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;*

*6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;*

*7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.*

*Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирдагина, инобатга олинади.*

***(Меҳнат кодекси, 103-модда).***

# БЎШАТИЛГАНДА

лай тугатилган ҳоллар бундан мустасно *(МК 100-моддасининг учинчи қисми);*

башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олинмаган бўлса. Корхона тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси тугатилганда бундай розилик олиш шарт эмас *(МКнинг 101-моддаси);*

ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан. Корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) маркази уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади *(МКнинг 237-моддаси).*

18 ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, умумий тартибга риоя қилишдан ташқари, олдиндан маҳаллий Бандликка кўмаклашиш марказининг розилигини олиш шарт, корхона тўлиқ тугатилган ҳоллар бундан мустасно *(МКнинг 246-моддаси).*

Мазкур талаб вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга, шунингдек бундай органларга сайланган ходимларга нисбатан ҳам сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин 2 йил давомида қўлланилади.

Ходим билан меҳнат шартномаси МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига биноан бекор қилинади.

Озод этилаётган ходимларнинг хоҳишига қараб меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра, яъни ўзининг ихтиёрига кўра *(МКнинг 99-моддаси)* ёхуд тарафларнинг келишуви бўйича *(МК 97-моддасининг 1-банди)* ҳам бекор қилиниши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат кодексининг моддалари таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиши керак *(МКнинг 107-моддаси).*

Бунда унинг сабаблари (асослари) тўғрисидаги ёзув меҳнат дафтарчасига киритилмайди *(МКнинг 81-моддаси).* Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва тегишли буйруқнинг нусхасини бериши шарт *(МКнинг 108-моддаси).*

### ОЗОД ЭТИЛАЁТГАН ХОДИМЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР

МКнинг 67, 109,110 ва 151-моддаларига биноан озод этилаётган ходимларга:

ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади;




иш қидириш даврида 2 ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, бунда бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олинади;

меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ҳисоб-китоб амалга оширилади;

фойдаланилмаган ҳар йиллик асосий ва қўшимча таътилларнинг барчаси учун пуллик компенсация тўланади.

Агар ходим меҳнат шартномаси тугатилган кундан кейинги 10 календарь кун давомида маҳаллий Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, у ҳолда ходим аввалги иш жой-




идан Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан берилган маълумотнома асосида учинчи ой учун ҳам ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ишдан бўшатиш нафақаси ва сақлаб қолинаётган ўртача ойлик иш ҳақи ходимларга иш жойидан тўланади. Тугатилаётган корхоналарда маблағ бўлмаган тақдирда юқорида кўрсатиб ўтилган тўловлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади *(МК 67-моддасининг еттинчи қисми).*

Меҳнат муносабатларини бошқа асосларга кўра *(МК 97-моддасининг 1-банди, 99-моддаси)* тўхтатган ходимларга ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди ва ишга жойлашиш даврида ўртача иш ҳақи сақланмайди.

### ПЕНСИЯГА ЧИҚАРИЛДИ

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар муддатидан олдин улар учун ёшга доир пенсия тайинланиш ҳуқуқига эгалар. Бунда эркаклар 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар – 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар *(«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).*

Эслатиш жоизки, 2011 йил 1 январдан бошлаб иш берувчи ўзининг ташаббуси билан пенсия ёшига тўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга *(МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди).*

## ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

***Ишлаб чиқариш тақозосига кўра корхонамизда шанба кунлари соат 13-00 гача ишлашга мажбур бўламиз. Шу шароитда ишлаган ходимнинг ҳафтадаги иш муддати 40 соатга тўғри келади. Иш соати ҳафтасига 40 соатдан ошиб кетгани туфайли ходимларимизга уларнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериб борамиз. Ойнинг охирига бориб иш вақти жамлаб ҳисобга олинганида (табел тузилганда) эса бир ойлик иш вақтининг нормал муддати ходимларимиз учун ҳафтасига яна 40 соатданга тўғри келиб қолади.***

***Маслаҳат берсангиз: ушбу ҳафталарда, яъни 36-40 иш соати ва ундан ошиб кетган иш вақтини қонуний меъёрга солишимиз учун нима қилишимиз керак?***

**Р.Тиллаев.**

– Амалдаги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашиниши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби) ҳамда шу асосда меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари ҳар бир корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади *(Меҳнат кодексининг VII-IX боблари ва 174-моддаси).*

Агар мазкур масалалар корхонангизда тегишли локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган бўлса, у ҳолда сиз Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларидан *(АВ томонидан 1999 йил 14 июнда 746-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* фойдаланган ҳолда бу масалага ойдинлик киритишингиз мумкин.

## АТИГИ ЯРИМ ЙИЛ ЎТДИ

***Болани парваришлаш таътилидаги аёл боласи 2 ёшга тўлгач ишга чиқди. Ярим йилдан кейин у бола 3 ёшга тўлгунча таътил беришлари тўғрисида ариза топширди. Иш берувчи таътил бериши шартми?***

**Кадрлар бўлими.**



– **Ҳа, шарт.** МКнинг 234-моддасида кўрсатилишича, аёлга, унинг хоҳишига кўра, болаcи 3 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Аёлнинг муддатидан аввал таътилдан чиқиши уни бола 3 ёшга тўлгунча таътилдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Шу сабабли иш берувчи аёлга бола 3 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш таътилини бериши шарт.

## ҲОМИЛАДОР ЎРИНДОШНИ ИШДАН БЎШАТИБ БЎЛМАЙДИ

***Агар ўриндош ҳомиладор аёл биргаликда бажараётган лавозимга бошқа ходим асосий иш тарзида ишга олинган бўлса, уни ишдан бўшатиш мумкинми?***

**Раҳбар.**

– **Йўқ, мумкин эмас.** МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандида йўл қўйиладиган, унинг учун асосий иш ҳисобланадиган бошқа ходим ишга қабул қилинган тақдирда ўриндошлик бўйича ишлайдиган шахс билан меҳнат шартномасини бекор қилиш иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш учун қўшимча асос ҳисобланади. Бироқ, МК 237-моддаси биринчи қисмининг мазмунидан келиб чиқишича, ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўймайди, корхона тўлиқ тугатилиб, албатта бошқа ишга жойлаштириш шарти билан меҳнат шартномаси бекор қилинадиган ҳоллар бундан мустасно.

Шу сабабли ҳомиладор аёл ўриндошлик бўйича бажараётган ишга унинг учун асосий иш ҳисобланган бошқа ходимни ишга қабул қилиш ушбу ўриндош аёл билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

***Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ,***
***«Norma» МЧЖнинг юридик мавзудаги эксперт-таҳлилий материалларни тайёрлаш бўлими катта эксперти.***

# ТАЪТИЛЛАР ЖАДВАЛИНИ ТУЗАМИЗ

***Йил охирлашяпти – нафақат якунлар чиқариладиган, балки келажак режалари ҳам мўлжалланадиган вақт келди.***

***Корхоналарда кўпинча шундай муаммолар юзага келади: иш берувчи ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган таътиллар жадвали** (Меҳнат кодексининг 144-моддаси, бундан кейин – МК) **ҳар доим ҳам календарь йил бошланишигача тузилавермайди.***

***Кейинги йил мобайнида у кўп ҳолларда тўлиқ бажарилмайди. Ходимлар амалда жадвалга амал қилмасдан таътил беришни сўрашади. Ходимларнинг важлари турлича бўлади, раҳбарият эса баъзан уларга рози бўлмайди. Зеро таътиллар бериш жадвалига қанчалик риоя қилинишига иш жараёнини шошилиш ва туриб қолишларсиз мақбул тарзда ташкил этиш боғлиқ бўлади. Таътил пулларини тўлашга ҳам олдиндан тайёрланиш жуда муҳимдир.***

***Ушбу вазиятни ўзгартириш мумкинми?***



Ходимларни таътиллар жадвалига риоя қилишга ишонтиришнинг энг яхши усули – уларни ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишга жалб этиш. Ходимларнинг ўзлари ўз таътилларини режалаштирсалар, жуда оз ҳолларда мўлжалланган режадан четга чиқилади.

Таътиллар жадвали лойиҳаси ташкилотнинг барча таркибий бўлинмаларига тарқатилади. У ерда жадвални ходимлар тўлдириб, бўлинманинг раҳбари имзолайди. Сўнгра барча лойиҳалар кадрлар хизматига келиб тушади ва улар асосида таътилларнинг йиғма жадвали тузилади, у ходимларнинг вакиллик органи билан келишилади. Жадвални иш берувчи тасдиқлаганидан кейин ҳужжатдан кўчирмалар олиш ва уларни таркибий бўлинмалардаги кўзга кўринарли жойларга илиб қўйиш лозим.

Ушбу чизмага амал қилсангиз, нафақат жадвалдан четга чиқиш сонини камайтирган, балки яна бир қатор муаммоларни йўл-йўлакай ҳал қилган бўласиз.

### ЖАДВАЛДАН ТАШҚАРИ ТАЪТИЛ

Қанчалик ҳаракат қилманг, таътиллар бўйича режа ҳеч қачон 100 фоизга бажарилмайди. Албатта, барча ҳаётий вазиятларни олдиндан назарда тутиш мумкин эмас, кўпинча жадвалга асосланмасдан таътилга чиқиш зарур бўлиб қолади. Шундай ҳолда буни тўғри расмийлаштириш лозим.

Аввало сизга ходимнинг ёзма аризаси керак, аризада у нима учун белгиланмаган вақтда таътил керак бўлиб қолганлигини тушунтириши керак. Аризага асосан сиз таътил берилиши тўғрисида буйруқ тайёрлайсиз. Таътиллар жадвалига эса ходимнинг мўлжалланган дам олиш санаси ўзгарганлиги тўғрисида белги қўйиш лозим.

Жадвалга асосланмай таътил берилиши фақат иш берувчи билан келишиб олинади. Иш берувчи ходимнинг режалаштирилган таътил санасини ўзгартириш илтимосини, масалан, ходимда узрли сабаб йўқлигини важ қилиб, рад этишга ҳақлидир. Бу ходим бутун бир таътил ўрнига унинг бир қисмини беришни, қолган қисмини эса бошқа вақтга кўчириш ёки таътил қисмларининг режалаштирилган саналарини ўзгартиришни сўрайдиган ҳолларга ҳам тааллуқли.

Бироқ шуни ёдда тутиш лозимки, қонунга кўра ўзлари учун қулай бўлган вақтда таътилга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар бор. Агар бундай ходим жадвалга асосланмаган таътил тўғрисида ариза берса, уни рад этиш мумкин эмас. Масалан, қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра таътил ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

14 ёшгача *(ногирон болани – 16 ёшгача)* бўлган битта ёки ундан кўп болани тарбиялаётган ёлғиз ота-оналарга *(бева аёл ва эркаклар, ажрашганлар, ёлғиз оналарга)* ва муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

I ва II гуруҳ ногиронларига;

1941–1945 йиллардаги уруш иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

18 ёшга тўлмаган шахсларга;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида ўқиётганларга *(МКнинг 250-моддаси);*

жамоа шартномаси, битимида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

> **Фойдали маслаҳатлар**
>
> *Таътиллар берилишининг навбатини аниқлашда қуйидаги қоидаларга риоя қилинг:*
>
> *• бошлиқ ва унинг ўринбосари бир вақтнинг ўзида таътилга чиқмаслиги керак;*
>
> *• ҳар бир бўлинмада ҳеч бўлмаганда бир нечта ходим доимо қолиши керак;*
>
> *• бир неча йил давомида жамланиб қолган таътилни бир текис тақсимлаш керак, уни ходим бир неча ой кетма-кет ишда бўлмаслигини кўзлаб тўпламаслик керак;*
>
> *• бир хил лавозимларни эгаллаган ёки ўхшаш ишни бажарадиган мутахассислар ўз таътилларини бир вақтга режалаштирмасликлари керак;*
>
> *• икки лавозимни бирга олиб борадиган ходим унинг вазифаларини (ҳам асосий, ҳам у ўриндошлик бўйича олиб бораётган лавозимлардаги) зиммасига юклаш мумкин бўлган ходим дам олаётган вақтда таътилга чиқмаслиги керак;*
>
> *• таътилга навбатдан ташқари чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларга бошқа ходимларнинг таътиллари вақтида ўринбосарлар сифатида қараманг (улар иш берувчи учун энг ноқулай пайтда таътилга чиқишлари мумкин);*
>
> *• таътилни қолган ходимлар ўртасида шундай тақсимлангки, токи «имтиёзлилар» таътилдан йилнинг исталган даврида фойдаланиши корхонанинг ишига нохуш таъсир кўрсатмасин.*

### ТАЪТИЛНИ УЗАЙТИРИШ ЁКИ УНИ КЎЧИРИШ

Улар асосида ходимга таътилдан унинг мақсадига мувофиқ, яъни дам олиш учун фойдаланишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ётади.

МКнинг 145-моддасига кўра ходимлар қуйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

таътил пуллари ўз вақтида тўланмаганда;

ходим таътил тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаганда;

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;

ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;

йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;

давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Таътил кунларнинг тегишли сонига ўз-ўзидан узайтирилади. Таътил узайтирилиши тўғрисида ходим иш берувчини хабардор қилиши керак. Уни узайтириш ўрнига кўрсатилган ҳолатлар муносабати билан таътил бошқа муддатга кўчирилган тақдирда ходим буни иш берувчи билан келишиб олиши шарт.

### ТАЪТИЛНИ ҚИСМЛАРГА БЎЛИШ

Агар ходим таътилни қисмларга бўлиб олишга қарор қилса, у декабрдаёқ ушбу қисмлар қанча муддат давом этиши ва унга қисмларни қайси вақтга беришлари лозимлигини белгилаб олиши керак. Ушбу маълумотларнинг ҳаммаси таътиллар жадвали лойиҳасига киритилади, кейин жадвалда акс эттирилади. Шуни ёдда тутингки, таътил қисмларидан лоақал биттаси муддати бўйича камида 12 иш куни бўлиши керак *(МКнинг 146-моддаси)*. Шу сабабли агар ходим ўз таътилини *(24 иш кунини)*, айтайлик, 8 + 8 + 8 иш кунига бўлишни хоҳласа, ундан ўз режаларини қайта кўриб чиқишни илтимос қилинг – қонунда кунларни бундай бўлиш назарда тутилмаган.

Кўпинча ташкилотларнинг раҳбарлари ва бўлимларнинг бошлиқлари таътилларни бўлишга қарши чиқадилар, зеро у ишлаб чиқариш юкини тақсимлашни қийинлаштиради. Раҳбариятга, МКнинг 146-моддасига мувофиқ, ходимнинг хоҳишига кўра, унинг ёзма аризасига асосан таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилишини эслатинг.

### ТАЪТИЛЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗ

Таътилларнинг қолдиқларини ҳам жадвални режалаштириш чоғида ҳисобга олиш лозим. Таътиллар жадвали лойиҳасини тузаётганда, таътиллар бўйича қарзни аниқлаш учун ходимларнинг шахсий карточкаларини *(Т-2 шакли)* кўриб чиқинг. Умуман олганда ходимларда йилдан йилга фойдаланилмаган таътиллар қисмлари жамланиб борадиган вазиятлардан қочишга ҳаракат қилинг – МКнинг 143-моддаси таътилни ҳар йилги у бериладиган иш йили тугашига қадар беришни назарда тутади.

Ана шу оддий қоидаларга риоя қилиб, сиз таътилларнинг мўлжалланган режасидан жуда кам ҳолларда чекинилишига эриша оласиз.

**Мавзуга доир савол**

## КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИЛМАЙДИ

***Мен фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича таркибий бўлинмалардан бирида деярли 2 йил танаффуссиз ишладим, шундан кейин доимий ишга қабул қилиндим. Фойдаланилмаган таътил учун компенсация олишга ҳақим борми?***

**Анастасия Александровна.**

**– Йўқ, фойдаланилмаган таътил учун сиз компенсация олишга ҳақингиз йўқ, чунки кўрсатилган ҳуқуқ фақат иш берувчи билан меҳнат муносабатларида турадиган ходимларгагина татбиқ этилади.**

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар таътилнинг фойдаланилмаган қисми учун компенсация олиш ҳуқуқи назарда тутилмаган Меҳнат кодекси томонидан тартибга солинмайди.

*Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ, «Norma» МЧЖнинг катта эксперт-юристи.*

ЭЪЛОНЛАР • ЭЪЛОНЛАР • ЭЪЛОНЛАР • ЭЪЛОНЛАР

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

**БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ**

«ААА» – бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиклаш. Ҳисоботларни тайёрлаш ва топшириш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш. Тўлиқ бухгалтерия кузатуви. Тўлов – исталган шаклда.
Тел. (+99890) 910-92-20.

Бухгалтерия ҳисобини тиклаш. Текширувга тайёргарлик.
Тел.: (+99890) 319-62-37.

**БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ**

Баҳолаш ва бизнес-режалар*.
Тел. 430-56-00.

**ХИЗМАТЛАР**

«ADVANCED COMPUTER SERVIS». Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Windows ўрнатиш.
Тел. 726-52-33.

Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95,
233-17-56, 236-76-46.

Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

***Хизматлар лицензияланган.***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги фаолият кўрсатмаётганлиги сабабли тугатилаётган корхоналар**

**РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган санаси ва рақами | | Юридик манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "POLIMER PLYUS EKSKLYUZIVE" | 300806640 | 16.04.2008 | 002140-01 | Х.Турсунқулова кўч., 10 | 10-1117/19518 |
| "RABO-AVTO OIL" | 301073028 | 20.02.2009 | 002714-01 | Катта Хирмонтепа кўч., 39а | 10-1117/19483(21)-т |
| "OMEGA-TECH" | 300235434 | 08.02.2007 | 001408-01 | Чилонзор 23-42 | 10-1117/19482(21)-т |
| "UZMETALL BIZNES" | 205253619 | 26.10.2004 | 000395-01 | Тўқимачи, 1-тор кўч., 21 | 10-1117/19481(21)-т |
| "DEKO TRADE" | 206431902 | 18.04.2011 | 001001-01 | Гулистон 1-кўч., 60 | 10-1117/19480(21)-т |
| "AGRO-ERKIN-SAVDO" | 205506530 | 04.03.2005 | 000583-01 | Самоний кўч., 20 | 10-1117/19478 |
| "LEOMINOR SISTEMS" | 301357804 | 28.10.2009 | 003218-01 | Дурбек кўч, 14 | 10-1117/19478(21)-т |
| "SION-TRADE" | 204953461 | 22.03.2004 | 000178-01 | Атоий кўч., 10 | 10-1117/19477(21)-т |
| "AVTO IMKON EXTIYOT" | 206681995 | 29.06.2006 | 001099-01 | Е.Тошкандий кўч., 8 | 10-1117/19476(21)-т |
| "SHAVAZI-ISHONCH" | 301556328 | 25.03.2010 | 003657-01 | Чилонзор 12-24-18 | 10-1117/19475(21)-т |
| "ODILI PLUS" | 301625154 | 29.05.2010 | 003779-01 | Тақачи кўч., 50-85 | 10-1117/19474(21)-т |
| "DILMUROD-AZIZ SAVDO" | 301684311 | 20.08.2010 | 003926-01 | О.Зоидов 1-тор кўч., 2 | 10-1117/19473(21)-т |
| "RAYHON-KLARA" | 201883486 | 16.07.1996 | 707 | Чилонзор 23-35-21 | 10-1117/19498(21)-т |
| "FLEXTRANS" | 301569303 | 02.04.2010 | 003672-01 | Зулфизар кўч., 126 | 10-1117/19497(21)-т |
| "EIFEEL TELEKOM" | 301034669 | 16.01.2009 | 002630-01 | Нашриёт кўч., 43 | 10-1117/19496(21)-т |
| "ROBRUS-TECHNO" | 205674972 | 13.05.2005 | 000653-01 | Чилонзор 11-63-18 | 10-1117/19495(21)-т |
| "RENESANS-PRESS MEDIA" | 300648498 | 12.12.2007 | 001942-01 | Чилонзор 26-8-8 | 10-1117/19494(21)-т |
| "JAVLON BIZNES STAR" | 301558633 | 26.03.2010 | 003668-01 | А.Таджиева кўч., 8 | 10-1117/19493 |
| "TEXNO-MINERAL" | 204017056 | 25.04.2002 | 01-00176 | Чилонзор 22-24-39 | 10-1117/19492 |
| "SANJARBEK-SERVIS" | 204900897 | 02.03.2004 | 000163-01 | Хондамир 1-тор кўч., 44 | 10-1117/19491 |
| "GOLDEN SUGAR CUBES" | 301324354 | 22.09.2009 | 003141-01 | Тонг 3-тор кўч., 28 | 10-1117/19490(21)-т |
| "ROBIYA-ABDULLOH BIZNES" | 301580275 | 15.04.2010 | 003706-01 | Шароф кўч., 8 | 10-1117/19489(21)-т |
| "FARRUH-SHER" | 301337869 | 06.10.2009 | 003167-01 | Уйғур кўч., 483 | 10-1117/19488(21)-т |
| "AL-MUXAYMIN" | 300883871 | 02.07.2008 | 002289-01 | Чилонзор 23-1а-34 | 10-1117/19487(21)-т |
| "TEMIR QURILISH BIZNES" | 300023588 | 12.10.2006 | 001243-01 | Чилонзор 12-33-13 | 10-1117/19486(21)-т |
| "SANJIDA GRAND TRADE" MCHJ | 301879463 | 03.03.11 | 004274-01 | Чилонзор 13-13-39 | 10-1117/19495(21)-т |
| "UCHTEPA MEDIA" | 301701036 | 17.09.11 | 003965-01 | Фарҳод кўчаси, 21 | 10-1117/19484(21)-т |
| "BLUE ANGEL" | 301805870 | 18.01.2011 | 004156-01 | Гулсанам куч, 21 | 10-1117/19506(21)-т |
| "IBROXIM-ILXOM SAVDO" | 301631456 | 07.06.2010 | 003790-01 | Фозилтепа кўч., 21 | 10-1117/19507(21)-т |
| "DIYORIM NIXOLLARI" | 300378502 | 29.03.07 | 001486-01 | С.Ходжа кўч., 65 | 10-1117/19808(21)-т |
| "SARVAR SAVDO" | 200659510 | 08.09.00 | 1102 | Зиё-Саид кўч., 787 | 10-1117/19509(21)-т |
| "ZABUR PLYUS" | 205277224 | 22.11.04 | 000426-01 | 2-тор Алвон кўч., 2 | 10-1117/19510(21)-т |
| "ALPLAST GROUP BIZNES" | 301234388 | 23.06.2009 | 002992-01 | Шароф 7-тор кўч., 9 | 10-1117/19511(21)-т |
| "NURAV SERVISE" | 300611275 | 07.11.07 | 001883-01 | Чилонзор 24-5-60 | 10-1117/19513(21)-т |
| "LOLA STIL EDEM" | 300694023 | 24.01.2008 | 001995-01 | Чилонзор 23-24-78 | 10-1117/19514(21)-т |
| "TRADING LAŅG BIZNES" | 300922244 | 27.08.08 | 002397-01 | Чилонзор Г9а-15-69 | 10-1117/19515(21)-т |
| "DEKA BROK SERVIS" | 301191031 | 19.05.2009 | 002911-01 | Гулистон 1-кўч, 60 | 10-1117/19516(21)-т |
| "RUXSHONA ASAL" | 300466353 | 24.05.2007 | 001619-01 | Замахшарий кўч., 30 | 10-1117/19517(21)-т |
| "UMID PLUS NIZOM" | 301314121 | 10.09.2009 | 003116-01 | Тақачи кўч., 58 | 10-1117/19519(21)-т |
| "UMIDA HAMKOR QURILISH" | 301689264 | 27.08.2010 | 003940-01 | Нурафшон кўч., 19 | 10-1117/19520(21)-т |
| "AGIDEL CONSTRUCTION" | 301493494 | 11.02.2010 | 003544-01 | Чилонзор 11-53 | 10-1117/19521(21)-т |
| "CHIG'ATOY BOG'I" | 301654689 | 08.07.2010 | 003851-01 | Садоқат кўч., 25 | 10-1117/19522(21)-т |
| "AZIZBEK LYUKSAVTO" | 301134464 | 09.04.2009 | 002806-01 | Чилонзор 26-1-24 | 10-1117/19499(21)-т |
| "KUMUSH BULOQ" | 300857697 | 06.06.08 | 002211-01 | Чилонзор 22-24-28 | 10-1117/19523(21) |
| "VILLA STROY" | 300970828 | 25.10.08 | 002495-01 | Зарафшон 6-тор кўч., 10 | 10-1117/19505 |
| "MULTIMAX SERVIS" | 301689914 | 27.08.2010 | 003941-01 | Фозилтепа 1-тор кўч., 13 | 10-1117/19504(21)-т |
| "TIGER CINEMA" | 301443230 | 14.01.2010 | 003423-01 | Истироҳат кўч., 30 | 10-1117/19503(21)-т |
| "OSIYO METALL RIVOJI" | 301727762 | 29.10.10 | 004035-01 | Чилонзор 13-26-37 | 10-1117/19502(21)-т |
| "VIVITEX REPORT" | 301840085 | 11.02.2011 | 004211-01 | Чилонзор 24-2-42 | 10-1117/19501(21)-т |
| "ROBIYA BEGIM" | 301829105 | 07.02.2011 | 004200-01 | Чилонзор 25-19-29 | 10-1117/19500(21)-т |
| "NODIRBEKSHIFO" | 204827504 | 03.02.04 | 000126-01 | Чилонзор 14-25-37 | 10-1117/19512 |

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 11 ноябрдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "SERPUHOV PLUS" ХК | 10-1115/17967 |
| "INFRA MADAD NUR" ХК | 10-1114/17955 |
| "GOOD AVTO" МЧЖ | 10-1114/17939 |
| "NEO-KARTEL" МЧЖ | 10-1114/17938 |
| "GOLDEN RING PRINTER" МЧЖ | 10-1114/17937 |
| "BIG WIDE BUILDING" МЧЖ | 10-1114/17936 |
| "SHAVKAT-AVTO" МЧЖ | 10-1114/17949 |
| "MIKS-MEBEL" МЧЖ | 10-1114/17948 |
| "BAXTIYOR HALOL SAVDO" МЧЖ | 10-1114/17947 |
| "OSIRIS MAN" ХК | 10-1114/17946 |
| "MUSHTARAK MANZIL" МЧЖ | 10-1114/17945 |
| "ORTODONTIK STOMATOLOGIYA" МЧЖ | 10-1114/17944 |
| "ALFA TRADE GROUP" МЧЖ | 10-1114/17943 |
| "XAMZA MAXSUS QURILISH SERVIS" МЧЖ | 10-1114/17942 |
| "SOHIBAXON-SOLIHAXON" МЧЖ | 10-1114/17954 |
| "KRASNET-KOMMUNAL QURUVCHI" МЧЖ | 10-1114/17953 |
| "ZILOLA FORTUNA" ХК | 10-1114/17952 |
| "NAIRA PLYUS SERVIS" ХК | 10-1114/17951 |
| "BARAKA KAMRON INVEST" МЧЖ | 10-1114/17950 |
| "GLOBAL TROYA MEN'S" МЧЖ | 10-1114/17969 |
| "FOTIX-JASURJON BARAKA FAYZ" МЧЖ | 10-1115/17962 |
| "SILVER BURGER" МЧЖ | 10-1115/17961 |
| "ERMUXAMMAD TAOMLARI" ХК | 10-1115/17960 |
| "KONFETKO" МЧЖ | 10-1114/17979 |
| "ZARINA MARUF BIZNES" МЧЖ | 10-1114/17978 |
| "VETERINAR KIMYO TA'MINOT" МЧЖ | 10-1114/17977 |
| "AXMADJON OMAD BURGER" ХК | 10-1114/17976 |
| "RANO BIZNES SAVDO" ХК | 10-1114/17975 |
| "MIRUS INVESTMENT GROUP" МЧЖ | 10-1114/17974 |
| "TAKSUN AGRO" МЧЖ | 10-1114/17915 |
| "MILLENNIUM-PLAST-SERVIS" МЧЖ | 10-1114/17973 |
| "MARTIN GROUP" ХОРИЖИЙ К. | 10-1114/17972 |
| "DERVISH BIZNES CAPITAL" МЧЖ | 10-1114/17971 |
| "MUNIRA XALOL TAOMLARI" МЧЖ | 10-1114/17970 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Фарғона йўли кўчаси, 21-уй, Ҳамза тумани ҳокимияти биносида, 32-34-хонада қабул қилинади.

Иктисодий–хуқуқий газета
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
**ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Мирobod тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул: Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.*
*Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*
*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Мирobod тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1346 Адади 3850. Баҳоси келишилган нархда
***Газета 2011 йил 5 декабрда соат 10.00 да топширилди.***
***ISSN 2010-5223***